# СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда).

нинг ҳақиқий хизматларига мос келиши принципига амал қилинсин. Белгилаб қўйилсинки, меҳнатдаги хизматлари учун Ленин ордени ва Октябрь революцияси ордени билан мукофотлашга одатда илгари бошқа орден билан тақдирланган кишиларгина тақдим этилиши мумкин. Ленин ордени билан мукофотлашга иккинчи марта тақдим этишга йўл қўйилмайди, ўрнак кўрсатган кишилар Совет Иттифоқи Қаҳрамони ёки Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони билан тақдирланган ҳоллар бундан мустасно. Октябрь революцияси ордени билан мукофотлашга ҳам такрорий тақдим этилмайди. Даражаси бўлган орден ва медаллардан ташқари бошқа бир номдаги орденлар ва медаллар билан мукофотлашга камдан-кам ҳоллардагина йўл қўйилади. Орден ёки медалга навбатдаги тақдим қоида сифатида СССР давлат мукофоти билан олдинги тақдирлашдан кейин камида беш йил ўтгач мумкин бўлади. СССР гражданлари гражданлик ва ҳарбий бурчини бажариш чоғида кўрсатган мардлиги ва жасорати учун олдин қачон мукофотланганидан қатъий назар навбатдаги мукофотга тақдим этилиши мумкин.

Совет гражданлари меҳнат фаолияти даврида уларнинг юбилейлари муносабати билан СССР давлат мукофотлари билан тақдирланмайдилар.

3. Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари тегишли «Олтин Юлдуз» медали ҳамда «Ўроқ ва Болға» олтин медали билан такрорий равишда мукофотланмайдилар. Айни бир вақтда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ҳам бўлган Совет Иттифоқи Қаҳрамонларига давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг илтимосномасига мувофиқ, уларнинг бронза бюстлари ўрнатилиши мумкин. Қаҳрамонлар ҳаётлиги чоғида бронза бюстлари ўрнатилмайди.

4. «Ҳурмат белгиси» ордени бундан буён Ҳурмат ордени деб юритилсин.

Одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, жамоат тартибини ва социалистик мулкни қўриқлаш чоғида, жиноятчиликка, табиий офатларга қарши курашда ва бошқа фавқулодда вазиятларда мардлик ва жасорат кўрсатган гражданларни мукофотлаш учун «Шахсан мардлик кўрсатганлик учун» ордени таъсис этилсин. СССР Ички ишлар министрлиги, СССР Юстиция министрлиги бошқа манфаатдор ташкилотлар иштирокида бир ой ичида «Шахсан мардлик кўрсатганлик учун» ордени статути ва унинг тасвири лойиҳасини ишлаб чиқсин ва тақдим этсин.

5. Меҳнат фаолияти соҳасида етакчи касб ходимларининг жуда катта ютуқлари ва юксак маҳоратини рағбатлантириш мақсадида қуйидаги СССР фахрий унвонлари бўлиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин:

«СССР халқ ўқитувчиси»,
«СССР халқ врачи»,
«СССР халқ артисти»,
«СССР халқ рассоми»,
«СССР халқ архитектори»,
«СССР космонавт-учувчиси»,
«СССРда хизмат кўрсатган саноат ходими»,
«СССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими»,
«СССРда хизмат кўрсатган қурувчи»,
«СССРда хизмат кўрсатган транспорт ходими»,
«СССРда хизмат кўрсатган алоқа ходими»,
«СССРда хизмат кўрсатган ихтирочи»,
«СССРда хизмат кўрсатган синовчи-учувчи»,
«СССРда хизмат кўрсатган синовчи-штурман»,
«СССР Қуролли Кучларининг хизмат кўрсатган мутахассиси».

СССР Юстиция министрлиги манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда 1988 йил 1 октябрга қадар СССР Олий Совети Президиумига «СССРда хизмат кўрсатган саноат ходими», «СССРда хизмат кўрсатган қурувчи», «СССРда хизмат кўрсатган транспорт ходими», «СССРда хизмат кўрсатган алоқа ходими», «СССР Қуролли Кучларининг хизмат кўрсатган мутахассиси» фахрий унвонлари тўғрисидаги низом лойиҳаларини, 1989 йил 1 январга қадар СССР давлат мукофотлари тўғрисидаги қонунларни мазкур қарорга мувофиқлаштириш ҳамда СССР орденлари статутлари, СССР медаллари ва фахрий унвонлари низомларига ўзгартиш киритиш тўғрисидаги таклифларни тақдим этсин, бунда мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини қайта қуриш, мукофотларга тавсия қилиш жараёнини янада демократиялаш вазифаларини ҳисобга олиб, мукофотлаш асосларини аниқлаш кўзда тутилсин.

СССР Юстиция министрлигига, СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетига, СССР Соғлиқни сақлаш министрлигига, СССР Халқ таълими давлат комитетига, СССР Фанлар академиясига, совет хотин-қизлари комитетига бошқа манфаатдор министрликлар ва идоралар билан биргаликда кўп болалик оналарни мукофотлаш уларнинг болаларини тарбиялаш ва оилани мустаҳкамлашдаги иштирокини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозимлигини кўзда тутиб, 1989 йил 1 январга қадар кўп болалик учун СССР давлат мукофотлари билан маънавий рағбатлантиришни такомиллаштиришга доир тадбирларни ишлаб чиқиш ва тақдим этиш топширилди.

6. Меҳнаткашларни СССР давлат мукофотлари билан тақдирлашга тавсияномалар:

Умумиттифоқ ва иттифоқреспублика министрликлари, давлат комитетлари, СССР идоралари системасига кирувчи корхоналар, бирлашмалар, муассасалар, ташкилотлар ходимларига — тегишли касаба союз Марказий Комитетлари билан биргаликда СССР министрликлари, давлат комитетлари, идоралари томонидан;

иттифоқдош республикаларнинг республика министрликлари, давлат комитетлари, идоралари системасига кирувчи корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотлар ходимларига — касаба союзлари республика Советлари билан биргаликда, РСФСРда эса тегишли касаба союз Марказий Комитетлари билан биргаликда: иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари томонидан;

колхозлар, бошқа қишлоқ хўжалик кооперативлари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги кооперативларнинг аъзоларига касаба союзлари республика Советлари билан биргаликда, РСФСРда эса — касаба союзлари Марказий Комитети билан биргаликда иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари томонидан, матлубот кооперативларининг аъзоларига касаба союз Марказий Комитети билан биргаликда Центросоюз правлениеси томонидан;

жамоат ташкилотларининг корхоналари, бирлашмалари ва муассасалари ходимларига, ижодий союзларнинг аъзоларига касаба союз Марказий Комитетлари билан биргаликда жамоат ташкилотлари, ижодий союзларнинг умумиттифоқ органлари томонидан бевосита СССР Олий Совети Президиумига тақдим этилади.

Корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотлар ходимларини мукофотлаш тўғрисида меҳнат коллективларининг илтимосномалари район ва шаҳар партия комитетлари ҳамда халқ депутатлари район ва шаҳар Советларининг ижроия комитетлари билан келишиб олинади.

7. Иттифоқдош ва автоном республикалар, ўлкалар ва областлар, автоном областлар, автоном округлар, районлар, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари, шунингдек меҳнат коллективлари бундан буён СССР орденлари билан мукофотланмасин.

8. Иттифоқдош республикалар Олий Советларининг Президиумларига республикаларда амал қилаётган давлат мукофотлари системасини такомиллаштириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш ҳамда бундай мукофотлар билан тақдирлаш практикасини яхшилаш чораларини кўриш тавсия қилинсин. Революцион ва меҳнат анъаналарини ҳисобга олиб, иттифоқдош республикаларнинг атоқли тараққийпарвар миллий арбоблари номини абадийлаштирадиган янги давлат мукофотларини белгиланган тартибда таъсис этиш имкониятлари кўзда тутилсин.

9. Министрликлар, давлат комитетлари ва идоралари, жамоат ташкилотларининг органлари, меҳнат коллективлари, оммавий ахборот воситалари давлат мукофотларига сазовор бўлган гражданларнинг ютуқларини кенг пропаганда қилиб, меҳнаткашларни, аввало ёшларни уларнинг намунасида тарбиясинлар, бунда ўзининг халқ олдидаги, социалистик Ватан олдидаги бурчини фидокорона, зўр ғайрат ва ижодкорлик билан бажараётган кишиларгина юксак мукофотга муносиб эканлигини ишонарли тарзда кўрсатиб берсинлар.

10. Совет органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари СССР Олий Совети Президиуми томонидан белгилаб қўйилган СССР давлат мукофотларидан маҳрум қилиш тартибига оғишмай риоя қилинишини контрол қилиб боришни таъминласинлар, бу ишда юксак принципиаллик кўрсатилишига, номуносиб кишиларда давлат мукофотларининг сақланиб қолиши ҳолларига чек қўйилишига эришсинлар.

СССР Олий Совети Президиумининг раиси
**А. ГРОМИКО.**
СССР Олий Совети Президиумининг секретари
**Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**
Москва, Кремль. 1988 йил 22 август.

*СССР Олий Совети Президиумининг фармони*

# СССР ФАХРИЙ УНВОНЛАРИ СИСТЕМАСИГА АЙРИМ ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. СССРнинг қуйидаги фахрий унвонлари таъсис этилсин: «СССРда хизмат кўрсатган саноат ходими», «СССРда хизмат кўрсатган қурувчи», «СССРда хизмат кўрсатган транспорт ходими», «СССРда хизмат кўрсатган алоқа ходими», «СССР Қуролли Кучларининг хизмат кўрсатган мутахассиси».

2. СССРнинг қуйидаги фахрий унвонлари бекор қилинсин: «СССРда хизмат кўрсатган ҳарбий учувчи», «СССРда хизмат кўрсатган ҳарбий штурман», «СССРда хизмат кўрсатган учувчи», «СССРда хизмат кўрсатган штурман», «СССРда хизмат кўрсатган синовчи парашютчи», «СССРда хизмат кўрсатган мелиоратор», «СССРда хизмат кўрсатган конструктор», «СССРда хизмат кўрсатган технолог», «СССРда хизмат кўрсатган машинасоз».

Ушбу моддада санаб ўтилган СССР фахрий унвонлари билан тақдирланган кишилар шу унвонга ва унвон берган ҳуқуқларга эга бўлиб қолаверадилар.

3. СССР Олий Совети Президиумининг 1979 йил 3 июль фармони (СССР Олий Советининг ведомостлари, 1979 йил, 28-сон, 479-модда; 1982 йил, 1-сон, 1-модда; 23-сон, 408-модда; 1984 йил, 29-сон, 502-модда; 44-сон, 769-модда; 1985 йил, 25-сон, 445-модда; 34-сон, 615-модда) билан тасдиқланган СССР орденлари, медаллари ва фахрий унвонлари тўғрисидаги умумий қоиданинг 19-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19-модда. СССРнинг қуйидаги фахрий унвонлари таъсис этилган:

«СССР халқ ўқитувчиси»,
«СССР халқ врачи»,
«СССР халқ артисти»,
«СССР халқ рассоми»,
«СССР халқ архитектори»,
«СССР космонавт-учувчиси»,
«СССРда хизмат кўрсатган саноат ходими»,
«СССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими»,
«СССРда хизмат кўрсатган қурувчи»,
«СССРда хизмат кўрсатган транспорт ходими»,
«СССРда хизмат кўрсатган алоқа ходими»,
«СССРда хизмат кўрсатган ихтирочи»,
«СССРда хизмат кўрсатган синовчи-учувчи»,
«СССРда хизмат кўрсатган синовчи-штурман»,
«СССР Қуролли Кучларининг хизмат кўрсатган мутахассиси».

СССР Олий Совети Президиумининг раиси
**А. ГРОМИКО.**
СССР Олий Совети Президиумининг секретари.
**Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**
Москва, Кремль. 1988 йил 22 август.

# СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

**Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида халқ фаровонлигининг энг муҳим муаммоларини ҳал этишни жадаллаштириш тўғрисидаги масалалар кўтарилганлиги муносабати билан СССР Министрлар Совети «Аҳолига савдо хизматини яхшилашга доир кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар ҳақида» қарор қабул қилди. Бу қарорнинг лойиҳасини КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил июль пленуми маъқуллаган эди.**

Қарорда қайд этиб ўтилганидек, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, мана шу муҳим социал-иқтисодий соҳада туб ўзгартишлар содир бўлмаяпти. Кўп жиҳатдан бу иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, савдо тармоқларига эга бўлган СССР министрликлари ва идоралари совет кишиларининг фаровонлигини янада оширишда савдонинг роли ва аҳамиятига етарли баҳо бермаётганликларининг натижасидир. Етарли миқдорда мавжуд бўлган товарларни сотишда кўпдан-кўп узилишларга йўл қўйилмоқда. Навбатда туриб қолиш каби нонормал ҳолга барҳам берилмаган. Кўпгина савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг иш режими харидорлар учун қулай эмас. Хўжасизлик, суиистеъмолчиликлар, растраталар ҳамда моддий бойликларни ўғирлаш, савдо қоидаларини бузиш каби ҳоллар ҳамон кўп, хизмат кўрсатиш маданияти паст. Мана шуларнинг ҳаммаси меҳнаткашларни ҳаққоний равишда ғазаблантирмоқда.

Савдонинг моддий-техника базасини ривожлантиришдаги қолоқлик, деб таъкидланади қарорда, унинг аҳволи қониқарсиз эканлигининг жиддий сабабидир. Тармоқда меҳнатни механизациялаш даражаси паст. Янги хўжалик механизми секинлик билан жорий этилмоқда. Товарларни сотишнинг илғор формалари суст ривожлантирилмоқда. Кадрлар билан ишлаш қайта қуриш вазифаларига мувофиқ эмас.

СССР Министрлар Совети КПСС XXVII съездининг қарорларига, Бутуниттифоқ XIX партия конференциясининг аҳолига савдо хизматини тубдан яхшилашга оид кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш зарурлиги тўғрисидаги йўл-йўриқларига амал қилиб, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари ўлка ва область Советларининг ижроия комитетлари, СССР Савдо министрлиги, Центросоюз, савдо тармоғига эга бўлган СССР министрликлари ва идоралари зиммасига шаҳарлар ҳамда қишлоқ жойлардаги савдо ва умумий овқатланиш корхоналари фаолиятини қайта қуриш юзасидан қўшимча тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш, уларнинг ишидаги камчиликларни бартараф этиш, яқин вақт ичидаёқ совет кишиларига савдо хизмати кўрсатиш даражасининг анча оширилишини, уларнинг товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжлари тўлиқроқ қондирилишини таъминлаш мажбуриятини юклади.

Шу мақсадда савдо корхоналарининг ишида тегишли тартиб ўрнатиш, турнақатор навбат кутиб туришлар тугатилишига, савдо қоидаларига қатъий риоя этилишига эришиш, аҳолини етарли миқдорда мавжуд бўлган товарлар билан таъминлашни яхшилаш, камёб молларни сотишдаги қоидабузарликлар ва суиистеъмолчиликларга барҳам бериш, харидорларга нисбатан қўполлик, эътиборсизлик билан муносабатда бўлиш ҳолларига чек қўйиш кўзда тутилади.

Шу беш йилликнинг охиригача магазинлар ўз-ўзига хизмат қилиш усулида ишлашга ва молларни сотишнинг бошқа илғор формаларига ўтказиб бўлиниши, универсам ва универмагларни устун даражада ривожлантиришни таъминлаб, чакана савдо тармоғини ихтисослаштиришга, шунингдек ҳозирги вақтда турли идора ва муассасалар банд қилиб турган биноларнинг биринчи қаватларини, айниқса шаҳарларнинг марказий қисмларида ихтисослаштирилган магазинлар ва умумий овқатланиш корхоналарини ташкил этиш учун мумкин қадар кўпроқ бўшатиб беришга доир тадбирлар амалга оширилиши лозим.

Қарорда савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг иш режимини аҳоли истакларидан келиб чиқиб ва маҳаллий шароитларни ҳисобга олиб белгилаш кўзда тутилган. Зарур бўлган жойларда ишни 6-7 да бошлаб, 21-23 да тамомлаш, иш соатларининг узайтирилиши савдо майдонларининг кўпайтирилиши билан баробар эканлигини назарда тутиш керак. Корхоналарнинг тушлик танаффусга ёпилмайдиган 1,5-2 сменали иш режимини жорий қилиш, универсал магазинлар ва йирик озиқ-овқат магазинларида корхонанинг асосий иш режимига нисбатан анча эрта ва кечроқ пайтларда ишлайдиган махсус бўлимларини ташкил этиш зарур. Ҳамма жойда навбатчи магазинлар тармоғини вужудга келтириш зарурлиги таъкидланади. Магазинларнинг иш соатларида инвентаризация ўтказиш ва товарларни қабул қилиб олиш учун ёпилишига йўл қўйилмасин. Реклама ва ахборот-справочник хизматларининг иши ташкил қилинсин.

Аҳоли кўплаб бўладиган жойларда майда-чакана савдо тармоғи фаол ривожлантирилади, кундалик харидоргир моллар сотилиб, бунга кооперативлар, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги ходимлар, студентлар ва ёшлар иш ёки ўқишдан бўш вақтларида, шунингдек уй бекалари ва пенсионерлар оилавий дўконлар орқали жалб этиладилар.

Матлубот кооперацияси ташкилотларига қишлоқ районларида барча аҳоли пунктларини қамраб олувчи савдо хизмати комплекс системасини ташкил этишга доир ишларни жадаллаштириш тавсия қилинди. Колхоз ва совхозлар билан биргаликда магазинлар ҳамда умумий овқатланиш корхоналарининг зарур тармоғини вужудга келтириш вазифаси ҳал этилсин. Кўчма савдодан, хонадонларга бориб савдо қиладиган магазинлардан, турли пудрат формаларидан актив фойдаланилсин. Боғдорчилик-полизчилик ширкатларига хизмат кўрсатиш учун уларнинг территориясида комплекс корхоналар ташкил этилсин, бу ерда ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қабул қилиб олиш билан бир қаторда ҳар кунги эҳтиёж товарлари, қишлоқ хўжалик анжомлари, асбоб-ускуналар сотилсин.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотини реализация қиладиган савдо — воситачилик кооперативалари кенг ривожлантирилади.

Қарорда савдо ва умумий овқатланишнинг материал-техника базасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид катта-катта тадбирларни амалга ошириш мўлжалланади. Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига савдо тармоғига эга бўлган СССР министрликлари ва идораларига 1989—1993 йилларда янги бинолар қуриш, айниқса шаҳарларнинг марказларидаги маъмурий бинолар ва бошқа хизматлар билан банд бўлган биноларнинг биринчи қаватларини, шунингдек бўшатиб берилаётган биноларни топшириш йўли билан нормативга биноан аҳолини савдо корхоналари билан таъминлаш вазифаси топширилди. СССР министрликлари ва идораларининг фирма савдо корхоналари тармоғи икки баравар кўпайтирилиши керак.

Министрлар Совети 1989 йилдан бошлаб уй-жой қурилишига ажратиладиган капитал маблағнинг қарийб 7 процентини магазинлар ва умумий овқатланиш корхоналари қуришга сарфлаш, шунингдек саноат корхоналари ва ташкилотларининг маблағларини меҳнат коллективларининг розилиги билан ана шу корхоналар ишлаб турган зоналарда ҳамда ишчилар ва хизматчилар истиқомат қилаётган жойларда шундай объектлар қуришда пайчилик асосида иштирок этишга жалб қилишга рухсат берди.

СССР Госпланига, СССР Савдо министрлигига, Центросоюзга, манфаатдор министрликлари ва идоралари иштирокида ҳар хил товарлар сақланадиган омборлар, тақсимлаш холодильниклари, картошка, сабзавот ва мева омборларининг ҳажмини мавжуд нормативларга етказиш йўли билан уларни жадал ривожлантиришнинг ўн учинчи беш йилликка мўлжалланган программасини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Савдо-омбор тармоғи объектларини қуриш муддатларини қисқартириш учун комплекс усулда етказиб бериладиган енгил металл конструкциялардан кенг фойдаланилсин, савдо техникаси, реклама воситаларини, шунингдек ўз қурилиш индустрияси корхоналарини монтаж қилиш, ремонтдан чиқариш ва тайёрлашнинг моддий базаси ривожлантирилсин.

Бу муаммони ҳал этишга матлубот кооперациясининг ташкилотлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшадилар. Бу ташкилотларга барча областларда, шунингдек район марказларида, жумладан маъмурий бўлиниши жиҳатидан шаҳарларга қарайдиган район марказларида савдо тармоғини ривожлантириш тавсия қилинган. Шаҳарларда шартномага мувофиқ нархларда озиқ-овқат молларини сотадиган савдо корхоналари миқдори анча кўпайтирилсин. Колхоз бозорлари, уларда фирма магазинлари қуришга колхозлар, совхозлар, агрофирмалар, агробирлашмалар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари кенг жалб этилсин.

Қарорда савдонинг моддий-техника базасини жадал ривожлантириш вазифаларидан келиб чиқиб, савдо-технология ускуналари ишлаб чиқаришни қўшимча равишда кўпайтириш зарурлигига эътибор қаратилган. СССР Министрлар Советининг давлат комиссиясига, СССР Министрлар Советининг машинасозлик бюросига, СССР Министрлар Советининг социал ривожланиш бюросига, СССР Савдо министрлигига, асосий министрликлар ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Шаҳарлар ва қишлоқлар аҳолисининг иш ҳамда дам олиш жойларида хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш учун савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига зарур бўлган турли материаллар, хом ашё ва ускуналар етказиб беришни кўпайтириш ҳам кўзда тутилган. СССР Агросаноат давлат комитетига, СССР Дон маҳсулотлари министрлигига, СССР Балиқ хўжалиги министрлигига озиқ-овқат молларини қадоқлаш юзасидан топшириқларни бажаришда йўл қўйилган қолоқликнинг ўрнини тўлдириш борасида кўрсатма берилди.

Қарорда янги хўжалик механизмини янада ривожлантириш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашни меҳнат коллективлари фаолиятининг пировард натижаларига ва ҳар бир ходимнинг шахсий ҳиссасига боғлиқлигини оширишга оид тадбирлар кўзда тутилган.

Савдо корхоналари (бирлашмалари) ва ташкилотларининг раҳбарларига белгиланган тартибда ташкил этиладиган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида корхоналар ва ташкилотларнинг тайёрлигига қараб, ходимларнинг янги оширилган тариф ставкаларини ҳамда мансаб окладларини жорий этишга рухсат берилди.

Матлубот кооперациясининг ташкилотлари «СССРда Кооперация тўғрисида»ги СССР Қонунида берилган ҳуқуқларига биноан норматив асосида ташкил этиладиган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўз ходимлари учун тариф ставкалари, мансаб окладлари, устама ҳақ, қўшимча ҳақ ва мукофотлар миқдорини белгилайдилар.

Бу мукофотларнинг рағбатлантирувчи роли кучайтирилади. Уларни тўлаш аҳолига маиший хизмат кўрсатиш сифатига, товарларнинг белгиланган турига ва савдо-сотиқ қоидаларига риоя этилишига, товар оборотини ўстириш ва корхоналарнинг даромадини оширишга боғлиқ қилиб қўйилади. Бунда ҳар бир ходимга тўланадиган мукофот энг кўп миқдор билан чеклаб қўйилмайди.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари (бирлашмалари) ва ташкилотларининг раҳбарларига касаба союзларининг тегишли комитетлари билан келишиб, меҳнатга ҳақ тўлаш фонди маблағлари ҳисобидан ва унинг доирасида ходимларга тунги пайтда ишлаганлиги учун тариф ставкаси (оклад)нинг 35 проценти миқдорида қўшимча ҳақ белгилаш ҳуқуқи берилди. Савдо корхоналари (бирлашмалари)да ишлаб турган пенсионерларга имтиёзлар бериш кўзда тутилади.

Қарорда кадрлар билан ишлашни яхшилашга жиддий эътибор қаратилган. Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари ўлка ва область Советларининг ижроия комитетларига, СССР Савдо министрлигига, Центросоюзга, савдо тармоғига эга бўлган СССР министрликлари ва идораларига ишнинг етакчи соҳаларини, раҳбарлик лавозимларини кенг иқтисодий билимли, янги вазифаларни ҳал этиш учун масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр турган, савдони ташкил этишнинг юксак даражасини таъминлай оладиган, яхши тайёргарликка эга бўлган, ташаббускор ва серғайрат мутахассислар билан мустаҳкамлаш вазифаси топширилди. Ходимлар демократия, кенг ошкоралик ва конкурс йўли билан сайлаш асосида раҳбарлик лавозимларига кўтарилсин.

Кадрларни узлуксиз тайёрлаш ва қайта тайёрлаш системасини вужудга келтириш, ўқув юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш кўзда тутилган. Тарбиявий ишлар даражасини, ходимларнинг топширилган иш учун масъулияти ва ифтихорини, давлат ва меҳнат интизомига қатъий риоя этиш талаблари даражасини анча ошириш керак бўлади. Ҳар қандай суиистеъмолчиликка, хўжасизликка, савдо-сотиқ қоидаларини бузишга, қўполликка қарши курашни кучайтириш мақсадида меҳнат коллективлари ва улардаги кенгашларнинг ҳуқуқлари ҳамда имкониятларидан, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг янги формаларидан янада тўлароқ фойдаланиш кўзда тутилади.

Оммавий касблардаги ходимлар, мутахассислар ва ёшларнинг савдода муқим ишлаб қолишини таъминлашга, уларга зарур ишлаб чиқариш ва социал-маиший шароит яратишга оид амалий чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР Агросаноат давлат комитетига, СССР Дон маҳсулотлари министрлигига, СССР Балиқ хўжалиги министрлигига товарлар сотиш илғор технологиясини жорий этиш ва савдода ишлаётган хотин-қизларнинг меҳнат шароитини яхшилаш мақсадида озиқ-овқат молларини 15-30 килограммдан ошмайдиган вазнда идишларда етказиб беришни таъминлаш вазифаси топширилди.

СССР Халқ таълими давлат комитетига ва СССР Савдо министрлигига ВЛКСМ Марказий Комитети билан биргаликда баҳорги-ёзги даврда курорт зоналарида, туризм жойларида ва меҳнаткашларнинг оммавий дам олиш жойларида савдони йўлга қўйиш учун беш йилликнинг охиригача студентларнинг «Савдо» отрядларида ишлайдиганлар сонини йилига 20 минг кишига етказиш, уларнинг юксак унумли меҳнат қилиши учун шарт-шароит яратиш вазифаси топширилди.

Оммавий ахборот воситалари савдо ходимлари меҳнатининг ижтимоий аҳамиятини кенг кўрсатиб, тармоқдаги илғор коллективлар, социалистик мусобақа ғолиблари, меҳнат новаторлари, энг яхши ходимларнинг иш тажрибасини ҳар томонлама ва батафсил ёритиб берсинлар, мазкур касбнинг обрў-эътиборини оширсинлар.

**Ҳозир ўлкамизда ғарқ пишиқчилик. Ноз-неъмат бунёдкорлари етилган ҳосилни тезроқ саранжомлаб, эл дастурхонига тортиқ этишмоқчи. Оқ олтин районидаги Усмон Юсупов номли совхоз полизчилари ҳам шундай ният билан тер тўкмоқдалар. Улар 64 гектар майдонда юқори ҳосил етиштирдилар. 180 тонна қовун, 1.070 тонна тарвуз тайёрлаш мўлжалланган. Ҳар куни истеъмолчиларга 20—30 тонна сара маҳсулот жўнатилаяпти.**

**СУРАТЛАРДА: 1. Тилим тилим ёрар қовунлар. 2. Бўлим бошқарувчиси Озод Ризбоев ва моҳир бригадир Абдусаттор Абдусаломов тарвуз таъмидан мамнун.**

А. ТЎРАЕВ фотолари.





# САЛОМ, АЗИЗ ПАХТА!

## *ТЕРИМ БОШЛАНДИ*

Қашқадарё областидаги ВЛКСМ XX съезди номли совхоз далаларида пахта анча барвақт етилди. Дастлабки теримчилар далага чиқдилар, машина теримига мўлжалланган пайкалларда дефолиация ўтказилди, айрим участкаларда терим агрегатлари ҳам иш бошлаб юборди.

Совхоз Қарши даштида энг кенжа хўжалик. У Косон районида шу йил баҳорида ташкил этилган. Чўлқуварлар дастлабки кунданоқ биринчи йилни яхши якунлашга ҳаракат қилдилар. Ёзнинг иссиқлиги, Амударёдан Қарши магистрал канали орқали етарли миқдорда сув келиши, агротехника тадбирларининг муддатида ўтказилиши ҳам бунга кўмаклашди. Бу йил 300 гектар майдонга чигит экилган, ана шу ерлар бегона ўтлардан тозаланган, бу эса ғўза ривожини анча жадаллаштиришга ёрдам берди.

— Дастлабки ҳосил бизни қувонтирмоқда, — деди совхоз директори Тўра Йўлдошев. — Уни бешта комсомол-ёшлар пудратчи коллективи етиштирди. Улар виждонан меҳнат қилишди, ҳосил тўплаб, авайлаб асрашди, ҳатто термометр симоб устуни 50 даражани кўрсатганда ҳам даладан чиқишмади. Интенсив технологиянинг қўлланилиши ҳам фойда берди.

Қарши даштидаги кўпгина хўжаликлар пахта теримини ҳар қачонгидан икки-уч ҳафта олдин бошлашни мўлжалламоқдалар. Бунинг сабаби фақат об-ҳаво шароитида эмас. Ишлаб чиқаришнинг хўжалик ҳисоби принциплари, одамларнинг ишга муносабати пахтанинг барвақт етилишини кўп жиҳатдан таъминлади.

**В. ШУМАЙЛОВ,**
**ЎзТАГ мухбири.**

# *МУЗЕЙДА МАКТАБ*

Хивадаги Ичанқалъа қўриқхона-музейида ёш атеист лекторлар мактаби очилди. У кўҳна шаҳарнинг таъмирланган архитектура ёдгорликларидан бирига жойлашди.

Мактаб раҳбари, қўриқхона-музей бўлимининг мудири Р. Худойберганов фаол атеистик пропаганда учун тарихни, ўтмишни яхши билиш зарур, деб ҳисоблайди. Ҳар бир машғулотни мумкин қадар кўпроқ самарали ўтказиш учун музейда барча шароит мавжуд.

Тингловчилар орасида халқ хўжалиги ғоят хилма-хил тармоқларининг намояндалари бор. Олимлар, партия ходимлари, «Билим» жамиятининг тажрибали лекторлари лекция ўқимоқдалар.

